

Муфтий ҳазрат бутунжаҳон форумида иштирок этмоқдалар



18:58 / 01.05.2024 1513

Бугун, 1 май куни Озарбайжоннинг Боку шаҳрида **“Тинчлик ва глобал хавфсизлик йўлидаги мулоқот”** мавзусида Бутунжаҳон маданиятлараро мулоқотининг VI форуми ўз ишини бошлади. Очилиш маросимида Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев иштирокчиларга муваффақият тилаб, мазкур анжуман маданиятлараро мулоқотнинг муҳим майдонига айланаётганини билдирди.

Халқаро анжуманда **БМТ** альянси, **ЮНЕСКО**, **АЙСЕСКО**, Жаҳон туризм ташкилоти ва дунёнинг турли мамлакатларидан келган диний конфессиялар етакчилари, маданият соҳаси вакиллари, вазирлар, таниқли уламолар, машҳур муфтийлар, профессор-олимлар, давлат, жамоат ва дин арбоблари ҳамда халқаро ташкилотлар раҳбарлари иштирок этмоқда.

Озарбайжон маданият вазири Одил Каримли ва Кавказ мусулмонлари идораси раиси Шайхулисом Оллохшукур Пошозоданинг таклифига биноан Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Шайх Нуриддин Холиқназар ҳазратлари ҳам қатнашмоқда.

Форум жаҳон ҳамжамиятининг эътиборини яна бир бор замонавий таҳдидлар, тинчлик-хавфсизлик муаммолари, урушлар, қарама-қаршилиқлар, динлараро мурасасизлик кабиларга қаратиб, жаҳон ҳамжамиятини тинчлик-осойишталикни қарор топтиришга чақирмоқда. Шунингдек, илм-фан, таълим, ёшлар, иқлим ўзгариши, маданий меросни муҳофаза қилиш, ксенофобия ва ноқонуний миграция каби мавзулар муҳокама этилмоқда.

Сўзга чиққан нотиклар “Динлар ва диний етакчиларнинг халқаро хавфсизликка қўшган ҳиссаси”, “Ижтимоий тармоқлар ва дин: имкониятлар ва муаммолар”, “Динлараро мулоқот орқали ишончни мустаҳкамлаш”, “Терроризм, диний ва ирқий мурасасизлик, нафратга чақириш ва ксенофобия халқаро хавфсизликка таҳдид”, “Диннинг иқлим ўзгариши ва атроф-муҳит муаммоларига муносабати” каби мавзуларда чиқиш қилдилар.

Очилиш маросимидан кейин Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев жаноблари Туркий давлатлар муфтийлари билан тор доирада мулоқот ўтказди.

Ушбу форум доирасида **"Динлараро мулоқот орқали ишончни мустаҳкамлаш"** мавзусида диний етакчиларнинг Баку учрашуви ўтказилди. Унда Муфтий Шайх Нуриддин Холиқназар ҳазратлари нутқ сўзлаб, жаҳонда тинчлик-осойишталикни қарор топтиришда дин пешволарининг ўрни ҳақида сўз юритдилар.

Форум тадбирлари 3 майга қадар давом этади.